

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КАСАНАЧИЛИКНИ РОЛИНИ ОШИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

*Ipak Yo'li Innovatsiyalar Universiteti*

*kattao'qituvchi Xujamberdiyev T.*

*Email.Xujamberdiyev [Tulkin@mail.com](mailto:Tulkin@mail.com).*

*Turdibaeva X. IYIU 1-bosqich talabasi,*

**Аннотация:** Ушбу мақолада худудларда ҳунармандчиликни ривожлантириш, шунингдек бизнесни бошқариш муаммолари. Уни ривожланиш динамикасини таҳлил қиласди. Ўзбекистонда кичик бизнес ва давлат томонидан амалга оширилаётган тадбирлар белгилаб берилган тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга қаратилган тадбирлар мамлакат. Муаллиф потенциал индексни аниқлаш учун модельни таклиф қилди Тошкент вилоятида ҳурамандчиликни ривожлантиришда касаначиликни ролини ошириш аҳамияти хакида.

**Калитли сўзлар:** ҳунармандчилик, тадбиркорлик, кичик бизнес, касаначилик, мулкий муносабатлар.

**Abstract:** In this article, the development of handicrafts in the regions, as well as the problems of business management. It analyzes the dynamics of its development. The measures implemented by the state and small businesses in Uzbekistan are aimed at the development of entrepreneurship and crafts in the country. The author proposed a model for determining the potential index about the importance of increasing the role of home farming in the development of agriculture in the Tashkent region.

**Key words:** crafts, entrepreneurship, small business, household, property relations

Ўзбекистонда аҳолининг бандлигини таъминлаш ва бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиш ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг устувор ўйналишларидан бири саналади. Мазкур соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор самарасини республикамизда 2022 йилда 1.5 млндан ортиқ иш ўринлари яратилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Эътиборлиси, бандлиги таъминланган фуқароларнинг салмоқли қисми қишлоқ жойларда яшовчи аҳоли ҳиссасига тўғри келади. Бинобарин, бир инсоннинг ўз лаёқати ва қизиқишига кўра доимий даромад манбаига эга бўлиши нафақат ўзи ҳамда оиласи, балки жамият учун ҳам аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида Ўзбекистон меҳнат бозорининг ҳуқуқий ва институционал асослари яратилди. Меҳнатни татбиқ қилиш соҳаси

ҳамда имкониятлари, ўзини ўзи иш билан таъминлаш кўламлари кенгайди. Мехнат фаолиятининг шакллари ва турлари хилма-хил кўринишга эга бўлди, мулкчилик ҳамда тармоқ шакллари бўйича ишловчилар таркиби ўзгарди, янги, одамлар учун янада қулай бандлик шакллари пайдо бўлди. Касаначилик, ҳунармандчилик, оиласвий тадбиркорлик сингари норасмий фаолият юритган муайян меҳнат турлари қонунийлаштирилди. Муҳими, барқарор иқтисодий ўсиш тенденцияси юртимиз аҳолисининг бандлик даражаси қўтарилиши учун муносиб шарт-шароитлар яратилиши ва ривожлантирилишини таъминламоқда. Бугунги кунда Республика “Хунарманд” уюшмаси 20 мингдан ортиқ ҳунармандни уюштириб турибди, ҳунармандчилик маҳсулотлари сотиладиган кўпгина дўкон-салонлар, бир нечта галереялар фаолият юритмоқда. Бундай ривожланиш замирида Мамлакатимизда миллий ҳунармандларга солиқ имтиёзларини берилиши ва ҳукуматимиз томонидан қўллаб-қувватлаш чора- тадбирларини амалга оширилишиданdir. Жумладан, “Юридик шахс ташкил этмасдан оиласвий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва “Хунарманд” уюшмаси аъзолари - якка тартибдаги тадбиркорларга белгиланган қатъий соликни тўлаш юзасидан солиқ имтиёзининг амал қилиш муддатини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПФ-4399-сонли фармонига асосан 2014 йилнинг 1 январига қадар узайтирилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 22 июлда "Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 307-сонли қарори қабул қилинди.

Ногиронлиги бўлган шахсларни касаначилик ва кооперация ташкил этиш орқали ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш бўйича Қарорнинг 5-иловасида Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига касаначилик ёки ҳунармандчилик асосида уй шароитида ишлаётган ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш жойини мослаштириш ҳамда мослаштирилаётган ҳар бир иш жойи харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди.

Тадбиркорлик субъектларига дафтарларга киритилган ёки “Ижтимоий химоя ягона реестри”да бўлган ва касаначилик билан шуғулланаётган 1 197 нафар фуқароларга асбоб-ускуналар харид қилиш учун 3 943,4 млн сўм субсидия ажратилди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 23 февралдаги «Касаначиликни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, иш берувчиларга ўзини ўзи банд қилган шахсларни касаначи сифатида жалб қилишга рухсат берилиди.

Шунга кўра, ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари (19 та) рўйхати тўлдирилди.

2023 йил 1 марта 2026 йил 1 январгача 3 ойдан кўп вақт мобайнида 30 дан ортиқ касаначини жалб қилган ва ишлаб чиқарган маҳсулотлардан олган жами даромаднинг 60 фоизидан кўпни ташкил этган тадбиркорлар учун фойда ва айланмадан олинадиган солиқ 50 фоизга камайтириб ҳисобланади. Ҳамда айрим давлат мулкларидан фойдаланганлик учун ижара тўлови 50 фоиз миқдорда белгиланади.

Давлат харидлари доирасида тузиладиган шартномаларда буюртмачилар томонидан 50 фоиз олдиндан тўлов амалга оширилади. «Уста-шогирд» мактаблари ўқувчилари ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахслар учун белгиланган тартибда тўлайди.

Кам таъминланган оиласаларга болалар пули ва моддий ёрдам беришда уларнинг касаначилик ёки қишлоқ хўжалигига мавсумий жалб қилинган 6 ойгача бўлган даврда олган даромадлари инобатга олинмайди.

Қарорга кўра, Касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилади. 2023 йил 1 марта жамғарма ҳисобидан тадбиркорларга ҳар бир касаначининг дастлабки 3 ой давомидаги фаолияти учун 1 ойлик даромади миқдорида бир марталик субсидия ажратилади.

Тадбиркорларга 2025 йил 1 январгача касаначилик билан шуғулланаётган ишсиз ва иш қидираётган, ижтимоий дафтарларга киритилган фуқароларга асбоб-ускуналар ва хомашё харид қилиш учун БХМнинг 30 бараваригача, касаначилик асосида уйда ишлаётган ногиронларнинг иш жойини мослаштириш учун БХМнинг 40 бараваригача ва касаначиларни касб-хунарга ўқитиш учун БХМнинг 2 бараваригача субсидиялар ажратилади.

Ҳоким ёрдамчилари тавсияси асосида тадбиркорларга айланма маблағларини тўлдириш учун ҳар бир касаначи учун 2 миллион сўмгача, жами 300 миллион сўмгача йиллик 14 фоиз, 6 ойгача имтиёзли давр билан 3 йилгача кредит ажратилади. Жамғарма ҳисобидан ҳар бир касаначи учун 1 миллион сўмгача, жами 150 миллион сўмгача икки йилгача муддатга фоизсиз ссуда ажратилади.

2023 йил 1 июнгача давлат улуши мавжуд савдо мажмуалари ва дехқон бозорларида хунармандчилик ва касаначилик расталари ташкил этилиши кузда тутилган.

2023 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида касаначилик ва хунармандчиликни ривожлантиришга ажратилаётган

маблағларнинг камидаги 70 фоизи ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси этиб қайта номланди. 2023 йил 15 июндан бошлаб ҳунармандчиликни молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бугунги кунда Тошкент вилоят "Ҳунарманд" уюшмаси аъзолари халқ ҳунармандчилигининг 30 тури бўйича 2000 га якин булиб нафар бўлиб, шундан 1200 дан ортигини хотин-қизлар ташкил этади. Улар қўпроқ чокли буюмлар, миллий либослар, зардўзи дўппи, кашта тикиш билан шуғулланадилар. Шунингдек, "Усто-шогирд"анъанаси бўйича ёшлар, ишсиз хотин-қизларни касб-ҳунарга ўргатиш мақсадида уюшма томонидан ҳомийлик асосида 16 та мактаб ташкил қилиниб, 80 нафар шогирд тайёрланди, 1 250 000 сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. ўтган даврда уюшма аъзолари томонидан тахминан 2.5 млрд сўмдан ортик халқ истеъмоли моллари, бадиий аҳамиятга эга ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлабчиқарилиб, сотилган ва кўргазмаларда намойиш қилинди. Маданий-маърифий тадбирларни уюштиришда маҳаллалар билан ҳамкорликда фаол иш олиб борилаяпти. Қолаверса, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурининг амалга оширилиши бўйича вилоят "Ҳунарманд" бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб- қувватлаш жамоат фонди уюштирган грант танловининг ғолиби деб топилиб, парламент комиссиясининг қарорига асосан, "Тошкент вилоятининг айrim туманлари ва қишлоқ жойларида аҳоли бандлигини яхшилаш ва даромадларини ошириш мақсадида ёшлар, аёллар ва жисмоний имконияти чекланган шахсларни кичик бизнес, тадбиркорлик, халқ ҳунармандчилигига жалб қилиш ва уларни касбга ўқитиш ишларини яхшилаш" лойиҳасини бажариш учун грантлар ажратилмокда. Бунинг натижасида Бука туманида ҳунармандчиликнинг каштачилик, тош ўймакорлиги, кулолчилик, гилам тўқиши, ёғоч ўймакорлиги ва миллий либослар тикиш кенг йўлга қўйилган. 2022 йил давомида 120 нафар ҳунарманд давлат рўйхатидан ўтган бўлса, шундан 65 % хотин-қизлардир. Кам таъминланган ёки қўрик-танловларда иштирок этган ҳунармандларга уюшма Низомининг 5 ва 8-бандларига асосан имтиёзлар берилди. Бука туманидаги 3 та касб-ҳунар коллежида учрашувлар ташкил этилди ва колледж битирувчиларига ҳунармандчилик учун берилган имтиёзу шароитлар ҳамда улар учун белгиланган кам фоизли кредитлар бўйича тушунчалар берилди.

Бука туманида халқ ҳунармандчилик турларидан асосан, бешикчилик, кулолчилик, тандир ясовчилар, ёғочдан халқ ҳунармандчилигибуюмлари ясаш,

каштачилик билан шуғулланишади. 2022 йилнинг иккинчи чорагида 50 дан ортиқ нафардан зиёд хунарманд давлат рўйхатидан ўтказилиб, туман бўлимига аъзо қилинди. Уларнинг сонини янада кўпайтириш мақсадида маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораяпмиз. Кўпчилик хунармандлар солик тўлашни истамагани учун ҳам уюшмага аъзо бўлишдан боштортади. Ҳолбуки, улар тўлаётган солик, Пенсия жамғармасига келиб тушаётган маблағлар эртага ўзига пенсия бўлиб қайтади. 2005 йилдан бошлаб хунармандлар учун пенсия дафтарчалари берилаяпти.

2022 йилда вилоят тижорат банклари томонидан оиласвий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришга 5 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилиши режалаштирилган бўлиб, ўтган 12 ой давомида ушбу йўналишларга имтиёзли кредит маблағлари ажратиб берилади.

Вилоятда Хунармандчилик марказлари Охогарон ва Бекобод ҳамда Чирчик шахарларида ташкил этилди ва Ангре шахар вва Нурафшон шахри ҳамда Бука туманларида ташкил этилиши режалаштирилган.

Вилоятимиз уста-хунармандлари орасидан ўзининг услуби, бетакрор қўл иши туфайли чет элларга танилган, танилаётганлари борлиги - фахримиз. Улар яратаБўтган мўъжиза жаҳон бозорларида ҳам ўз қадр-қимматини топган. Отабоболаримиз, чевар момоларимиз ҳунарини давом эттираётган хунарманд, косибу касаначи, хуллас, бир сўз билан айтганда, тадбиркорларимиз ўзларига яратилаётган қонуний имтиёзлардан, шарт-шароитлардан унумли фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёsat фуқароларни ишсизликдан муҳофаза қилиш чоралари кучайтирилганида, оиласлар фаровонлигига, жамиятдаги барқарорлик ҳамда манфаатлар тенглигига ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Тошкент вилоят "Хунарманд" уюшмасининг барча туман ва шахар булимларида 2025 йил 1 январгача касаначилик билан шуғулланаётган ишсиз ва иш қидираётган, ижтимоий дафтарларга киритилган фуқароларга асбоб-ускуналар ва хомашё харид қилиш учун БХМнинг 30 бараваригача, касаначилик асосида уйда ишлаётган ногиронларнинг иш жойини мослаштириш учун БХМнинг 40 бараваригача ва касаначиларни касб-хунарга ўқитиш учун БХМнинг 2 бараваригача субсидиялар ажратилиши кузда тутилган.. Зеро, бугун бутун дунёда эътироф этилган тараққиётнинг "ўзбек модели" ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш,adolatli меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳукуқини, таъбир жоиз бўлса, ўз турмушидан мамнун, эртанги кунидан хотиржам ҳамда баҳтли хаёт кечиришини таъминламоқда.

**Адабиётлар/Литература/Reference:**

1. Taleporos G. Employment and Disability: a complex problem with no simple solution // Ramp Up. Disability. Discussion. Debate. URL: <http://www.abc.net.au/rampup/articles/2014/01/13/3922428.htm>.
2. Sainsbury R. Labour market participation of persons with disabilities – how can Europe close the disability employment gap? // The Right to Work of Persons with Disabilities – International Perspectives University of Kassel, 8-10 March 2017. URL:[http://www.theright-to-work.com/files/2017/plenum/Tag2/Sainsbury09\\_03\\_2017\\_Kassel.pdf](http://www.theright-to-work.com/files/2017/plenum/Tag2/Sainsbury09_03_2017_Kassel.pdf)
3. [Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 21.04.2022 йилдаги ПҚ-214-сон](#)
4. 4.Ўзбекистон Республикаси Қарор (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тұғрисида» ПҚ-4502-сон. / Resolution (2019) No. PP-4502 of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 31, 2019 "On measures to introduce an interagency software and hardware complex" Single National Labor System"
5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: «Ўзбекистон», 2009. -26-б.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Т.: «Ўзбекистон», 2017. -43-б.
7. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИГА ШАРХ.
8. Узбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чикариш ва хизматлар уртасида кооперацияни кенгайтириши рагбатлантириш чора-тадбирлари тұғрисида». 2006 йил 5 январь
9. А.Улмасов, А.Вахобов - «Иқтисодиёт назарияси» дарслик, Т. «Шарқ» 2006 йил.